

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ МО 2-161  
2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2019 йил “1” июн даги  
1023 - соили бўйрги билан  
тасдикланган.

“Геодезия, картография ва кадастр” (функциялари бўйича)”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҶУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган.*

- Тузувчилар:
- “Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.
  - “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий хужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Раҳмонов.
  - “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хақназарова, М.Инназаров, Д.Кушарбаев.
  - “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Ф.Отамуродов.
  - “Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзулаева, У.Гиясова.
  - “Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев, пс.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.
  - Маҳсус фанлар бўйича:** С.А. Таушуплатов, Ш.К. Авчиев, О. Авезбаев, Б. Назаров, М.Хамидова
- Такризчилар:
- Хорижий эксперт:** Bo Yang, Ph.D., Professor of Civil Engineering, Director of international Exchange Office, Deputy Director of Structural Engineering Research Institute, Chongqing University, China.
  - Х. Мубараков – УзМУ, “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти, т.ф.н., доцент

Ўқув дастури Тошкент архитектура-курилиш институти Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилингандан (2019 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмунни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукуқий ҳужжатлари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари” модули.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Геоахборот тизимлари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Геодезия ва картографияда тизимли таҳлил

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Давлат ва ер кадастри тизимлари

6.2. Геодезияда GNSS ва замонавий электрон тахометрлар

6.3. Замонавий картография асослари.

## **VII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:**

- “Геодезия, картография ва кадастр” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

**“Геодезия, картография ва кадастр”** йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- Давлат ер кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив хуқуқий асосларини;
- ер участкаларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шахар) ер кадастри дафтарига киритиладиган маълумотларни;
- инфраструктурали сунъий йўлдош тармоқларини;

- орбиталарни сунъий йўлдошлар орқали аниқлаш ва тасвирлашни;
- атмосферада сигналларнинг тарқалишини;
- замонавий геоахборот тизим дастурлари билан ишлашни;
- Рельефнинг рақамли моделларини ишлаб чиқиши;
- компьютер дастурларида лойиҳалашни ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

- Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари;
- GNSS-системасини замонавий ҳолати ва обзорини;
- сунъий йўлдошлар орқали позициялаш тизимларини кузатиш ва ҳисоблаш;
- глобал навигацион сунъий йўлдош тизимлари ва бошка тизимларни қўлланилиши;
- мавжуд ва истиқболли тизимлар: GPS, Beidou, ГЛОНАСС, Galileоларни амалиётга татбиқ этиш;
- геоахборот тизимлари хақида тушунчага эга бўлиш ҳамда замонавий геоахборот тизим дастурларини ўкув жараёнида қўллаш;
- геомаълумотлар базаларидан самарали фойдаланиш;
- ArcGIS 10.2 дастурида ишлаш;
- мавзули қатламлар яратиш ва атрибут жадвалларини тузиш;
- фазовий маълумотларни таҳлил қилиш;
- хариталарни лойиҳалаш;
- тасвирларни қайта ишлаш ва тасвирларни таҳлил қилиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- тармоқли таҳлил қилиш;
- глобал навигацион сунъий йўлдош тизимлари ва бошка тизимларни қўллаш;
- баландликларни рақамли моделлаштириш;
- фазовий маълумотларни таҳлил қилиш;
- фазовий қарор қабул қилишга кўмаклашиш;
- геоахборот тизим лойиҳаларини бошқариш;
- геоахборот тизим иловалари ва йўналишлари билан ишлаш;
- ArcGIS 10.2 дастурида ишлаш;
- геоахборот тизим дастурларидан фойдаланиш ҳамда геомаълумотлар базасини яратиш;
- мавзули қатламлар яратиш ва атрибут жадвалларини тузиш;
- геодезия ва кадастр ташкилотларининг илғор инновацияларини қўллаган ҳолда ўкув жараёнини такомиллаштириш бўйича ***малакаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- Давлат ер кадастрларини яратиш ва юритишни бошқариш;

- жой ўрнини сунъий йўлдошлар орқали аниқлаш;
- сунъий йўлдошлар орқали позициялаш;
- жойнинг рақамли моделининг экстракцияси;
- ортотасвир ва ортофотопланларни яратиш;
- фотограмметрик лойиҳа ва натижалар аниқлигини баҳолаш;
- фотограмметрик натижаларни визуализациялаш;
- жойдаги ўлчаш маълумотлари ва масофадан зондлаш;
- тасвиirlарни қайта ишлаш;
- рақамли ўзгаришларни аниқлаш;
- геомаълумотлар базасини яратиш;
- геоахборот тизим дастурлари ёрдамида рақамли хариталар ва лойиҳалар яратиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириши шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР (ФУНКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА)” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИННИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

#### **I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **II. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

##### **1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристи. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқа

хизмат қилсин” фояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Олий таълим ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институти мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишининг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ти Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-ҳуқуқий хужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришининг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараённида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **П. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва қасб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илгор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талabalardа танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талabalар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи қасбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия**2.2. Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитиша** илгор хорижий тажрибалар Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг

сифатини таъминлашдаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти.

Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. ECTS кредитлари. ECTS ўкув режаларига ўтиш методикаси. Талабалар билимини баҳолашнинг асессмент технологиялари.

### **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булатли технологиилар. Google булатли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурлар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўкув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

#### **3.2. Геоахборот тизимлари.**

Геоахборот тизимлари ва унинг ишлаб чиқаришдаги роли. Рақамли карта ва планлар яратища координата тизимлари. Жой ва рельефнинг рақамли модели. Очиқ кодли ва тижорий ГАТ дастурлар таъминотлари. Геофазовий маълумотлар инфратузилмаси. Маълум бир аҳоли пунктида мактаб қурилиши учун мақбул жой танлаш. Рельефнинг рақамли моделинин қуриш ва унинг имкониятларини ўрганиш.

### **IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ**

#### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил қўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик

фанларини хорижий тилда ўқитишни лойихалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, қашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

### **5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқариши интеграциялаш; иктидорли талабаларни кидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усувлар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усувлари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологияк жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

### **5.2. Геодезия ва картографияда тизимли таҳлил**

Тизимли ёндашув тамойиллари. Тизимли методика ривожи. Тизимли ёндашув ривожланиш сабаблари. Тизимларни тоифалаш. Тизимларни моделлаштириш. Тизим моделлари. Моделлаштириш обьектларининг таснифи. Моделнинг асосий хусусиятлари. тизим турлари ва ташкил этувчи қисмлари. Мураккаб ва оддий тизимлар. Сунъий ва табиий тизимлар. Тизимларни ташкил этувчи қисмлари. Тасодифий ҳодиса ва тасодифий микдор. Геодезик ўлчашларда тизимли ёндашув. Геодезик ўлчашларда

тизимли таҳлил модели. Геодезик ўлчашларда моделлаштириш объектлари. Геодезик ўлчашлардаги тизимли таҳлилда чизиқли усуллар

## **VI. МАХСУС ФАНЛАР**

### **6.1. Давлат ва ер кадастри тизимлари**

Давлат ер кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив хуқуқий асослари. Давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқаруви. Давлат ер кадастрини яратиш ва юритиш. Ер кадастри хужжатлари. Ер участкаларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатига олиш. Ерларнинг микдори ва сифатини хисобга олиш. Ер кадастрига оид ахборотлар.

Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрлари яратиш ва юритиш. Давлат ер кадастри. Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари. Давлат ер кадастрини юритиш. Ер кадастри хужжатлари ер участкаларига бўлган хуқуқни тасдиқловчи хужжатлар, туман (шахар) ер кадастри дафтари, ерларнинг микдор, сифат холати ва уларнинг баҳоси тўрғисидаги хисоботлар, кадастр хариталари, планлари ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хужжатлар. Туман (шахар) ер кадастри дафтари. Ер участкаларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шахар) ер кадастри дафтари киритиладиган маълумотлар.

Республикамизда давлат ер кадастрини яратиш ва юритишнинг хуқуқий асосларини белгиловчи норматив- хуқуқий хужжатлар билан танишиш. Давлат ер кадастрларини яратиш ва юритишни бошқариш структуралари билан танишиш. Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари билан танишиш. Ер участкаларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатига олиш асослари билан танишиш.

### **6.2. Геодезияда GNSS ва замонавий электрон тахометрлар**

Замонавий геодезик асбоб-ускуналар. Геодезик ишларни бажаришда қўлланиладиган замонавий геодезик асбоб- ускуналар. Геодезик ишларни метрологик таъминоти. GNSS-системасини замонавий ҳолати ва обзори. GNSS-ўлчашларни камерал қайта ишлаш учун қўлланиладиган дастурий маҳсулотларни обзори ва замонавий ҳолати. Координата системалар обзори. GNSS-ускуналарини қўллаш орқали дала ишларини режалаштриш ва амалга ошиш. Реал вақт режимида сунъий йўлдош геодези ўлчашлар. Инфраструктурали сунъий йўлдош тармоқлари. Тахеометр обзори. Электрон тахеометр билан ишлаш. Геодезик сунъий йўлдош қурилмалари билан ишлаш (Trimble). Дастурий таъминот билан ишлаш (Topocad). GNSS-ўлчаш маълумотларини камерал қайта ишлаш. Электронный тахеометр ва Геодезик GPS – қурилмаси билан ишлаш.

### **6.3. Замонавий картография асослари.**

Хариталарнинг математик асоси. Рельефнинг рақамли моделларини ишлаб чиқиши. Мавзули картографиялаш. Хариталарни лойиҳалаш. Геоинформацион картография. Веб-картография. Картографик сервислар ва геопорталлар

Картографиянинг фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни. Хариталар компановкаси ва жиҳозланиши. Хариталар таснифи ва хариталар таркиби. Картографик генерализация, турлари ва омиллари. Хариталардаги ёзувлар, уларнинг берилиш хусусиятлари. Хариталарни лойиҳалаш. Хариталарни яратиш технологияси

## **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирив ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичита олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари

кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк қелажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари қўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори..

## **II. Махсус адабиётлар**

- 22.Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.
- 23.Креативная педагогика. Методология, теория, практика./под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
- 24.Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
- 25.Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.

- 26.Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun2015. - 134 pp.
- 27.Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
- 28.William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
- 29.English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
- 30.Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.— T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
- 31.Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
- 32.Frampton, Kenneth. Modern Architecture. A Critical History. London: Thames and Hudson, 2016.
- 33.Grabar, Oleg. The Role of the Historian // The Aga Khan Award for Architecture. 2010. Baden: Lars Muller Publications, 2010, p.328-333.
- 34.Jodidio, Philip. Zaha Hadid. Koln: Taschen, 2012.
- 35.Pfeiffer, Bruce Brooks. Frank Lloyd Wright on Architecture, Nature, and the Human Spirit. San Francisco: Pomegranate, 2011.
- 36.Toman, Rolf (Ed.) History of Architecture from Classic to Contemporary. Bath-Shenzhen: Parragon, 2013.
- 37.Frampton, Kenneth. Modern Architecture. A Critical History. London: Thames and Hudson, 2016.
- 38.Grabar, Oleg. The Role of the Historian // The Aga Khan Award for Architecture. 2010. Baden: Lars Muller Publications, 2010, p.328-333.
- 39.Jodidio, Philip. Zaha Hadid. Koln: Taschen, 2012.
- 40.Pfeiffer, Bruce Brooks. Frank Lloyd Wright on Architecture, Nature, and the Human Spirit. San Francisco: Pomegranate, 2011.
- 41.Toman, Rolf (Ed.) History of Architecture from Classic to Contemporary. Bath-Shenzhen: Parragon, 2013.
42. Mohinder S. Grewal, Angus P. Andrews, Chris G. Bartone. Global navigation satellite systems, inertial navigation, and integration. Published by John Wiley & Sons, Inc., Hoboken, New Jersey, USA,
43. Антонович К.М. Использование спутниковых радионавигационных систем в геодезии. В 2 томах. ГОУ ВПО «Сибирская государственная геодезическая академия». - М.: ФГУП «Картгеоцентр», Т 1: 2005. - 334 е.: ил., Т 2: 2006. - 360 с.: ил
44. Генике А.А., Побединский Г.Г. Глобальная спутниковая система определения местоположения GPS и её применение в геодезии. М.: Картгеоцентр-Геодезиздат, 1999г.
45. Мирмахмудов Э.Р., Абдуллаев Т.М., Фазилова Д.Ш. ГНСЙТ. Тошкент, ЎзМУ, 2016

46. Wilfried Linder.Digital Photogrammetry a practical course.Germany, 2009, english, Springer-Verlag
47. 2. Ковалёв Н.В, Д.Мухиддинов, О.Щукина, М.Б.Хамирова “Фотограмметрия ва ерни масофадан туриб тадқиқ этиш” Ўқув қўлланма ТИҚИ Тошкент 2015 йил.
48. 3. Охунов З. “Фотограмметрия” Т., Чўлпон. 2007
49. 4. Jones, Simon, Reinke, Karin. Innovations in Remote Sensing and Photogrammetry. Australia, 2009, english, Springer

#### **IV Электрон таълим ресурслари**

50. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
51. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
52. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
53. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
54. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz).
55. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
56. [www.autodesk.com](http://www.autodesk.com)
57. [www.edu.autodesk.com](http://www.edu.autodesk.com)
58. [www.pinterest.com](http://www.pinterest.com)
59. <http://wiley.com>
60. <http://arhcit.ac.com>

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
калларни кайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишини тақоил этиш  
бон-илмий-методик маркази

Директор в.б. Г.Т.Шоймардонов  
“ ” 2019 й.

М.Ү.

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Ректори Р.Р.Ҳакимов  
“ ” 2019 й.

М.Ү.

Тошкент архитектура-қурилиш институти  
хузуридаги педагог кадрларини кайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
тармок маркази

Директори С.Ю.Маткаримов

“ ” 2019 й.



**“КЕЛИШИЛГАН”:**

“Курилиш” Вазирлиги таълим муассасалари  
фаолиятини мувоффикластириш бошкармаси  
бошлиги

А.Т.Кулдашев

“ ” 2019 й.

М.Ү.